
ФАРҒОНАДАГИ UZSUNGWOO КОРХОНАСИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА МЕТАЛЛАРГА ҚИЗДИРИЛГАН ҲОЛДА ИШЛОВ БЕРИШ ЛИНИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Фарғона шаҳридаги Uzsungwoo қўшма корхонасида Марказий Осиёда ягона бўлган 10 миллион долларлик лойиҳа қийматига эга металлларга қиздирилган ҳолда ишлов бериш линияси тантанали тадбир билан ишга туширилди.

Энг сўнгги технологиялар асосида ишловчи цех тўлиқ автоматлашган бўлиб, Schuler, Prima Power, Benteler ва Aotto каби дунёнинг энг олд машинасозлик компанияларида ишлаб чиқарилган пўлат ўрамдан керакли ўлчам олиш, қиздириб пресслаш, лазерда кесиш ускуналари ўрнатилган.

Янги линия ишга туширилиши натижасида корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 95 миллион долларга етади. Марказий Осиёда ягона ушбу технологик жараённинг ўзлаштирилиши юртимизда ишлаб чиқарилаётган Tracker ва Onix русумли автомобиллар учун 20 турдаги бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш имконини ҳам берди. Металлларга қиздирилган ҳолда ишлов бериш линиясида йиллик қиймати 19 миллион долларликдан зиёд 2,4 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Жорий йил бошида амалга оширишга киришилган лойиҳанинг ишга тушиши натижасида 120 та янги иш ўрни яратилди.

Uzsungwoo МЧЖ қўшма корхонасининг ташкил этилган 2012 йилдан буён вилоятимизга киритган инвестициялари ҳажми қарийб 60 миллион долларга етди. Ўзбекистон автомобиль саноатида мустаҳкам ўринга эга корхонада 10 йилдан буён юртимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун катта ва ўрта ўлчамдаги 300 дан ортиқ номдаги штамп-пайвандланган қисмлар ишлаб чиқарилади. Корхонада фаолият юритаётган ишчилар сони 900 нафардан ошди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-29 16:30:03